



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# Акциз солиғига тортиладиган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ – 4086-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг:

2019 йил 15 августдан сиқилган газни якуний истеъмолчига реализация қилишда акциз солиғи ставкасини 20 фоизга;

2019 йил 1 октябрдан алкоғолли маҳсулотнинг акциз солиғи ставкасини ўрта ҳисобда 10 фоизга, тамаки маҳсулотининг акциз солиғи ставкасини 20 фоизга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан илгари

берилган, спирт ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга оид лицензияларнинг амал қилиш мuddати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга нисбатан янги лицензия талабларини, жумладан, ишлаб чиқариш ускуналарини мажбурий рўйхатдан ўтказиш, унинг мулкдорларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқлаш;

техник спирт ишлаб чиқарувчилар фаолиятини лицензиялаш тартибини жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2021 йил 1 январдан бошлаб шундай тартибни жорий қилиш;

лицензия олувчилар томонидан ҳар йили лицензия тўловларини тўлаш бўйича талабларни

жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2022 йил 1 январдан бошлаб шундай талабни жорий қилиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2019 йил 15 августдан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 24 июль

**УШБУ СОНДА:**

**ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР**  
саноат тармоқлари ривожига хизмат қилади

Президентимиз раислигида шу йилнинг 26 июнь кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, ана шу катта салоҳиятдан самарали фойдаланилмаяпти. Хусусан, вилоятнинг баъзи ҳудудларида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми республика бўйича ўртача кўрсаткичдан икки-уч баробар паст.

2

**Қашқадарёда очиқ ва самимий мулоқот**



3

**Нон азиз, новвой-чи?**

Ўн йилдан ошдики, деярли ҳар кuni нон харид қилиш учун бозор орайман. Ана шу мuddат давомида нон маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сотиш жараёнлари билан боғлиқ, бир қарашда кўз илғамайдиган талай камчиликлар, муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўлдим.

5

**Меҳмон кулиб кетмасин...**



6

Мирзо КЕНЖАБЕК:

**Китобга қайтиш**  
**виждонга қайтишдир**

Шарқ оламида, муқаддас ислом дини руҳида яшаган халқлар орасида китоб, ёзув, қоғоз ҳамisha беҳад мўтабар неъмат ҳисобланиб келган. Шу боис одоб рисолаларида китоб бор уйда ётмаслик, ётиш зарур бўлса, китобга қараб оёқ узатмаслик, китобни худди китобнинг соҳибини, яъни муаллифини мўтабар тутгандек мўтабар тутиш таълим қилинади.

8

*Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига хорижлик инвесторлар томонидан нефть хомашёсини етказиб бериш бошлангани тарихий воқеа сифатида кутиб олинди. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар Президентимизнинг заводни қайта тиклаш борасидаги ташаббусидан беҳад мамнун бўлмоқда.*

## Президент ташаббуси билан завод қайта тикланди



Завод ўз вақтида Фарғона водийсидаги нефть конларини ўзлаштириш ва минтақа давлатларига нефть маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида бунёд этилган. У ҳозирги кунда ҳам углеводород хомашёсини қайта ишлаш бўйича мамлакатимиздаги йирик мажмуалардан биридир. 475 гектар ер майдони, 52 та технологик объект унинг улкан салоҳиятидан даполат беради.

Лекин техника ва технологиялар эскиргани, ишлаб чиқариш асосан импортта боғлиқ бўлгани сабабли корхона кейинги ўн йилда ўзини оқламаётган эди. Йиллик лойиҳа қуввати 6 миллион 450 минг тонна бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш бор-йўғи 30 фоизга тушиб қолганди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини модернизация қилиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди. Модернизация жараёни Индонезиянинг "Transasia Resources" компанияси билан ҳамкорликда уч босқичда амалга оширилади.

– Компаниямиз томонидан лойиҳа доирасида 2022 йилгача камида 875 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар

жалб этилади, – дейди инвестор вакили Музаффар Мавлонов. – Айни кунларда "Grasmo Assets PTE" хорижий корхонаси ташкил этилди. Ҳозирда заводга хомашё олиб келиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича дастлабки ишларни бошладик. Хомашё Россия, Қозоғистон ва бошқа қўшни давлатлардан олиб келинмоқда. Шунингдек, асосий сармоияни заводнинг қувватларини ишга тушириш ва уни модернизация қилишга йўналтиришни мақсад қилганмиз.

Ўтган йиллар давомида нефть хомашёсининг етишмаслиги натижасида кўплаб иш ўринлари қисқартирилди, баъзи бир қурилмалар фаолияти тўхтади. Мазкур заводда янги даврнинг бошланиши эса бу ерга қай-

ноқ иш жараёнини олиб келди. Кўплаб мутахассислар ўз иш жойига қайтди. Миродил Собиржонов ана шулардан бири.

– Кўп йиллар ишлаган жойга қандайдир меҳрингиз тушиб қоларкан, – дейди М.Собиржонов. – 2014 йилда хомашё тақчиллиги боис биз меҳнат қилаётган қурилма фаолияти тўхтаб, иш ўринларимиз қисқаргани учун бошқа жойда ишлаб келаётган эдим. Президентимизнинг заводга ташрифини, модернизация қилиш бўйича топшириқларини телевидение орқали кўриб, хурсанд бўлдим. Мана ўша эзгу ишларни амалга ошириш жараёни бошланди. Мен ҳам жонажон заводимга қайтдим. Айни кунда нефтни бирламчи қайта ишловчи қурилма

модернизация қилиниб, ишга туширилди. Барчамиз заводимиздаги катта янгиликлардан хурсандмиз.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига дастлабки нефтни кириб келиши катта шодийна сифатида нишонланди. Завод улкан янгиликлар бўсағасида турибди. Йирик инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши эса завод мавқеини тиклаб, рақобатбардор ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев сўзга чиқди.

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири

# Янги инвестициявий лойиҳалар саноат тармоқлари ривожига хизмат қилади



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** иқтисодий жиҳатдан улкан салоҳиятга эга. Айрим рақамларга эътибор берайлик: республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 15,3 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, яъни ички маҳсулотининг 9,7 фоизи мазкур худуд ҳиссасига тўғри келяпти. Юртимизда ҳосил қилинаётган электр қувватининг 45 фоизи, қазиб олинаётган қўмирнинг 98, ишлаб чиқарилаётган металл прокатининг 100 фоизи айнан Тошкент вилоятига дахлдор экани кўп нарсдан далолат беради.

Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун Тошкент шаҳри ҳар томонлама қулай ва улкан бозор саналади. Лекин, Президентимиз раислигида шу йилнинг 26 июни кунги ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, ана шу катта салоҳиятдан самарали фойдаланилмапти. Хусусан, вилоятнинг баъзи худудларида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми республика бўйича ўртача кўрсаткичдан икки-уч баробар паст. Вилоят саноатида худудий корхоналар улуши атиги 15 фоизни ташкил этади. Бўка, Оқдўғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Қуйичирчиқ каби туманларда саноат анча орқда қолган.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ўтган ой бошидаги ташрифи давомида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган 40 триллион 300 миллиард сўмлик 800 га яқин лойиҳадан иборат дастур ишлаб чиқилди. Лойиҳаларнинг 350 дан зиёди саноат соҳасига тааллуқлигини тасдиқлаш жоиз. Шунингдек, резервлар қўлгидан келиб чиқилиб, худудлар саноатини комплекс ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан яна 310 та қўшимча лойиҳа шакллантирилди. Жумладан, Ангрен шаҳрида умумий қиймати 1 триллион 273 миллиард сўмга тенг 39 та, Бўстонлиқ туманида 1 триллион 725 миллиард сўмлик 33 та, Оҳангарон туманида 4 триллион сўмлик 37 та, Қуйичирчиқ туманида 1 триллион 547 миллиард сўмлик 29 та лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш белгиланган.

Янгийўл туманида эса бир ярим йил ичида умумий қиймати 586 миллиард сўмдан иборат 38 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланаяпти. Шундан 228 миллиард сўм лойиҳаларнинг ташаббускорлари маблағлари, 44 миллиард сўм банк кредитлари ҳисобидан, 38 миллион АҚШ доллари хорижий кредит линиялари ҳамда чет эл инвестициялари эвазига қопланади. Хусусан, "Beraf Agro" масъулияти чекланган жамияти 33 миллиард сўм сармоя киритиб, мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхона бунёд этади. "Umid va baraka" хусусий корхонаси эса 28 миллиард сўм сарфланувчи замонавий туристик мажмуа барпо қилишга киришган. Янгийўллик тадбиркорлар ҳам нисбатан мураккаб, ноанъанавий ишлаб чиқариш услубларини ўзлаштираётгани, муайян соҳаларда янгиликларга қўл ураётгани эътиборга молик. Чунончи, "Decaton" МЧЖ ҳадемай газобетон тайёрлашни йўлга қўяди. "Odeliya" хусусий корхонаси дублерин тайёрлаш лойиҳасини босқичма-босқич амалга оширапти.

— Яқин йилларда вилоят иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши асосан савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалигида юқори бўлиб келаётган эди, — дейди Тошкент вилоят ҳокимлигининг инвестициялар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хуршид Қорабоев. — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш, хусусан, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш

тизими такомиллаштирилиши ҳамда урбанизация жараёнининг жадаллаштирилишига оид фармон ва қарорлари кучга кирган, бу каби камчиликлар ҳам барҳам топа бошлади. Вилоятда иқтисодиётнинг турли тармоқларига дахлдор инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга киришилгани чора-тадбирлар ижобий натижалар бераётганини тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, вилоят саноатида узлуксиз ўсиш тенденцияси бошланди. Ижобий ўзгаришлардан руҳланган ишбилармонлар янги-янги тақлифларни илгари суряптилар. Олмалик шаҳрида заргарликка ихтисослашган кичик корхоналар бунёд этиш, Оҳангарон туманида маийши қиндиқларни сараловчи ва қайта ишловчи завод қуриш, Бўка туманида қизилмия ўсимлигидан дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Паркент туманида минерал ўғит тайёрлайдиган, Чирчиқ шаҳрида эса электротехника жиҳозлари ишлаб чиқариладиган корхоналар очилди... Бизнес-ғоялар жуда кўп. Улар рўёбга чиқса, яна минглаб иш ўринлари яратилади, худудларга замонавий технологиялар, илгор тажрибалар, малакали мутахассислар кириб келади. Ҳозирда барча тақлифлар манфаатдор ташкилотлар томонидан атрофлича кўриб чиқилапти.

Юртбошимизнинг шу йил 1-3 июнь кунлари вилоятга ташрифи чоғида мутасаддиларга саноатни янада ривожлантириш юзасидан аниқ кўрсатмалар, топшириқлар берилганини ҳам қайд этиш зарур. Масалан, МЧЖ шаклидаги "Zhongtan chemical" қўшма корхонасига хорижий инвестициялар иштирокида ксантогенат, цианур кислотаси, силикон гелини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Пискент тумани Қирққизобод массивидаги давлат захира ерлари 2-участкаси худудидан ер майдони белгиланган тартибда ажратилади. Шу йил 1 сентябрга қадар енгил конструкциялар қўлланилган ҳолда Қуйичирчиқ туманида ҳар бири 300 та иш ўрнига эга бўлган 4 та ҳамда Янгийўл шаҳрида ҳар бири 300 ўринли 2 та тикучилик-трикотаж мажмуалари бунёд қилинади. Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги зиммасига Янгийўл тумани Тинчлик массивида жойлашган, собиқ "Уткир" ғишт заводига қарашли 36 гектар карьер майдонида саноат зонасини ташкил қилиш вазифаси юкланди. Шунингдек, тегишли ташкилотлар жорий йил мобайнида вилоятда камида 10 мингта янги кичик бизнес субъектини барпо қилиш ҳамда фаолиятини вақтинча тўхтатган кичик бизнес субъектларни, жумладан, яқна тартибдаги тадбиркорларга ўз фаолиятини қайта тиклашга амалий кўмаклашмоқда.

Мухтасар айтганда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидангина иқтисодиётни, унинг етакчи тармоғи бўлган саноатни жадал ривожлантиришга эришиш мумкин. Иқтисодиётдаги муваффақиятлар эса ижтимоий соҳадаги барча масалаларни тизимли ҳал қилиш имконини беради.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**да ўтган йили ялпи худудий маҳсулот 12 фоз, жалб этилган инвестициялар ҳажми 19 фоз ўсган. Шу йилнинг биринчи чорағида ҳам юқори суръат кузатилди. Шунга қарамай, ҳали вилоятда ишга солинмаган имкониятлар кўп. Иқтисодиёт замон талаблари асосида диверсификация қилинмаган. Жумладан, саноат маҳсулотининг 80 фоизи Асака тумани ва Андижон шаҳрига тўғри келади.

Бошқа туманларда саноат деярли ривожланмаган. Шунингдек олган ҳолда, Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган қиймати 25 триллион 181 миллиард сўмга тенг 908 лойиҳадан иборат инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш, 35 мингдан зиёд иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Дастурнинг асосий қисми — қиймати 17 триллион 878 миллиард сўм (ёки 2,1 миллиард доллар) бўлган 886 та лойиҳа хусусий бизнес вакиллари ва инвесторлар иштирокида бажарилади.

Яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шу йил инвестиция дастури асосида 351 миллиард сўмлик жами 103 та объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқдаки, булар ҳам юқорида келтирилган режанинг бажарилишида катта аҳамият касб этади. Шу кунга қадар 244,3 миллиард сўм ёки йиллик режага нисбатан 68 фоз маблаг ўзлаштирилди. Мазкур объектларнинг 20 таси соғлиқни сақлаш, 26 таси мактабга таълим муассасасидир.

Президентимиз раислигида шу йил 7 июнь кунги бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши худудларда саноатни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни юқори босқичларга олиб чиқиш масалаларига бағишланди. Мажлисда Андижон саноатидаги ютуқ ва камчиликлар алоҳида қайд этилди. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг шу йил 16-17 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида худуддаги бўш турган биналар масаласи кўтарилган эди. Айни мавзуга ушбу видеоселекторда яна тўхталган Президентимиз вилоятда 98 та давлат объектида зарур инфратузилмага эга 90 гектар ер майдони ва 163 минг квадрат метр бино бўш турганини таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Тузилган ишчи гуруҳ мазкур масалани атрофлича ўрганишга киришди. 30 528 та нотурар объект қайта хатловдан ўтказилди. Улар орасидан жорий йилнинг июнь ҳолатига бўш турган ва самарали фойдаланилмаётган 2 135 та объект мавжудлиги аниқланди. Комиссия томонидан бу объектларнинг 1 минг 144 тасига нисбатан таъсирчан солиқ механизми қўлланилиши юзасидан хулосалар берилди.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Жалақудуқ туманидаги "А.К." корхонаси 5,3 гектар майдонни тасарруфига олган эди. Афсуски, бу жой ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 2 минг квадрат метр майдондаги биналар "қақшаб" ётибди. Ишлаб чиқариш мутлоқ йўлга қўйилмаган. Тадбиркорлик субъектига нисбатан таъсирчан солиқ механизми қўлланилди, 248 миллион сўм ер ва мол-мулк солиғи қайта ҳисоб-китоб қилинди. Дастлаб 20 миллион сўм ундирилган бўлса, қолган маблаг тўлови мажбурий ундирувга қаратилди. Бундай таъсирчан чоралар мулкдорларни хушёр тортиргани аниқ.


Шаҳрихон туманида шу йилнинг апрель ойида эркин иқтисодий зонага асос солинди. Айни вақтда 30 гектар ер майдонида тадбиркорларнинг 117 та истиқболли лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу хорижий инвестицияларни жалб қилиш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва иш ўринлари ташкил этишда қўшимча имкониятлар дегани.

Андижон саноатини юксалтириш, раванқ топшириш ишлари жадал олиб борилган мисолларда аниқ кўринади.

Расулжон Камолов "Vinyltec" масъулияти чекланган жамияти раҳбари. Сунъий тери ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳага

ҳали республикада қўл урилмаган. Пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан бирга автомобиль ва енгил саноат соҳаси учун ҳам хомашё етказиб бериш унинг бош мақсади.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилади, — дейди Расулжон Камолов. — Вилоят ҳокими ташаббуси билан кичик саноат зонасидан ер ажратиб берилди. Президентимиз томонидан "Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Унда янги рақобатбардош ишлаб чиқариш ва кичик



корхоналарнинг ривожлантирилишини қўллаб-қувватлаш алоҳида кўзда тутилди.

Шаҳрихонлик қосиблар пойабзал тайёрлашда ўзига хос мактаб яратган. Расулжон ана шу мактабда тобланган. "Саноатқурилишбанк"нинг 364 минг АҚШ доллари миқдоридagi молиявий кўмаги билан Европа стандартлари даражасидаги чарм ишлаб чиқарувчи 3 та дастох, 100 дона қолип ва бир неча жиҳозлар олиб келинаяпти. Улар 20 хил янги моделдаги маҳсулот тайёрлаш имконини беради. Ҳисоб-китоблар йилига 10 минг АҚШ доллари миқдорида валюта тежаллигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарувчилар учун хомашё Хитой ва Туркиядан келтирилади. 2020 йилга бориб Андижонда сунъий тери ишлаб чиқариш тўла йўлга қўйилади. 120 та янги ишчи ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Андижон-фарм" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонидан келиб чиқиб, Андижон туманида юқори технологияли фармацевтика корхоналари ташкил этиш мақсадида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. 52,7 гектар майдонда тадбиркорларнинг 10 та истиқболли лойиҳаси маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёсини қайта ишлаб, юқори сифатли дори воситалари тайёрлашга йўналтирилган. **Умумий қиймати 911,4 миллиард сўмни ташкил этади.** Хорижлик ҳамкорлар томонидан 64,5 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилади. Йилига 497,5 миллион дона дори воситаси ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Президентимиз ташрифидан сўнг фаолиятини кенгайтираётган ишбилармонларимизнинг руҳи тетик, қадамлари дадил. Вилоят ҳокимининг тадбиркорлар билан учрашувлари кўпгина муаммолар ҳал қилиниши имконини берапти. Айни кунга қадар муаммоларни бартараф этилган 236 та йирик лойиҳа амалиётга жорий этилди. Натижада катта миқдордаги инвестиция кирити-

либ, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши ва янги иш ўринлари яратилди.

Избоскан туманидаги "Onlayn Store" масъулияти чекланган жамияти вилоятнинг деҳқону миришкорлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йилнинг тўрт фаслида ҳам дастурхонга тортиқ қилишни мақсад қилиб қўйган. Лойиҳанинг умумий қиймати 800 миллион сўмни ташкил этади. Тадбиркорнинг ўз маблагига ёнига "Саноатқурилишбанк"нинг сармояси қўшилган. Бироқ ер масаласи кўпдан бери ечим топмаётгани тадбиркорни қийнаб келаятганди. Вилоят ҳокими ташаббуси билан Избоскан туман ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг фойдаланилмай турган майдонидан 0,30 гектар ер ажратилди. Ҳозирда иш қизгин паллада.

Андижон шаҳридаги "Андижон тиббий диагностика" МЧЖ раҳбари энди яна бир кўп тармоқли шишфохона очиб ҳаракати билан банд. Янги тиббиёт муассасаси қурилиши учун 17 миллиард сўм маблаг сарфланади. Туркия ва россиялик инвесторлар

томонидан 1 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилади. Мазкур эзгу мақсад йўлида аллақачон иш бошлангани кувонарли. Фойдаланилмай турган бино ҳам энди эгасиз қолмайдиган бўлди.

Янги ғояларни рўёбга чиқаришга интилаётганлар орасида хорижлик инвесторлар ҳам бор. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга кўрсатилмаётган ғамхўрлик уларнинг қизиқшини оширмоқда. Саудия Арабистонининг Мадина шаҳридан келган Абдулбосит Абдулҳодий ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиш ниятида.

— Миллий қиймларимиз асосан Хитойда ишлаб чиқарилади, — дейди хорижлик ишбилармон. — Сизларда пахта хомашёси истегагача топилади. Шу боис бу ерда араблар учун ҳам қиймлар тайёрлашни режалаштирди.

Хорижлик ишбилармоннинг дастлабки ҳамкори Қўрғонтепа туманидаги "Қўрғон групп" МЧЖ бўлди. Лойиҳанинг навбатдаги босқичида 100 иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш суръати уч баробар ортиши кўзда тутилган. Асосийси, маҳсулотлар "Ал-Андижоний" бренди билан дунё бозорига кириб боради.

"Биз жуда катта режалар олганмиз. Андижонда энг катта масала — аҳолини иш билан таъминлаш, иккинчи масала — уй-жой билан таъминлаш ва кейингиси — инвестиция олиб кириш. Андижоннинг эртаси ҳақида бугун уйлашимиз керак". Бу Президентимизнинг шу йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида айтилган фикр. Андижонликлар айни фикрни масъулиятли топшириқ деб қабул қилгани бугун саъй-ҳаракатларида намоён. Мақолада келтирилганларимиз ҳали хамир учидан патир, холос.

**Беход ИСРОИЛОВ,**  
**Зилола РАҲМОНОВА,**  
**"XXI asr" мухбирлари**

## Китоб ўқинганга минг раҳмат!

Мулоқотда мазкур журнал ижодкорлари, O'zLiDeP вакиллари, депутатлик гуруҳи аъзолари, меҳнат фахрийлари, коллеж ўқитувчи ва талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этади.

"Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журнали мухбири Маҳмуд Тоиров оммавий ахборот воситаларида республикамизни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, жумладан, аграр соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш, қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш каби вазифаларнинг кенг ёритиб

борилаётгани диққатга сазоворлигини қайд этади.

Учрашувда техника фанлари доктори, профессор, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Муҳаммадхон Тошболтаевнинг пахта териш машинаси ихтиро қилиниши, Ньютон қонунининг моҳияти, Ўзи босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақидаги сўзлари анжуман қатнашчиларини бефарқ қолдирмади.

O'zLiDeP Чиноз туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Файзулла Тожиқулов партиянинг дастурий ғоя ва мақсадлари хусу-

сида сўз юритди. Мазкур учрашув ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, жумладан, ушбу мулоқот ҳамжиҳатлик белгиси эканлигига алоҳида ургу берди.

Анжуман якунида коллеж кутубхонаси ҳамда фаол ўқитувчи ва ўқувчиларга "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журнали тахририяти ҳамда O'zLiDeP Тошкент вилоят ва Чиноз туман кенгашлари томонидан 200 дан ортиқ китоблар ва эсдалик совғалари топширилди.

**O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши матбуот хизмати**



Тошкент вилояти Чиноз туманидаги агросаноат касб-хунар коллежида "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журнали тахририяти ҳамда O'zLiDeP Тошкент вилояти ва Чиноз туман кенгашлари ҳамкорлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари суртилган бешта ташаббусдан бири — "Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш"га бағишланган ижодий учрашув ташкил этилди. Бу тадбир ўқитувчи ва талабаларнинг билимга чанқоқлиги, қизиқишлари кенглигини намоён қилди.

# Қашқадарёда очик ва самимий мулоқот

## Янги давр янгича ёндашув, ўзига хос талаб ва истакларни ўртага қўймоқда

Қарши шаҳрида O'zLiDePнинг янгиланган дастури ва сайловолди платформаси лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати нихоятда очик ва ошкора руҳда ўтганлиги билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар. Давра суҳбатини O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси Шухрат Турсунов олиб борди.

– Бугунги кунда барча сафдошларимиз олдида турган долзарб вазифа Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари сайловларига пухта ҳозирлик кўрган ҳолда, муваффақиятли иштирок этишдир, – деди у ўз маърузасида. – Президентимиз амалга оширилаётган ислохотларда сиёсий партиялар етакчи куч бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидламоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичидаги янги вазифалар фаолиятимизни танқидий таҳлил асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

– Парламент қарорларининг юридик кучи чегарасини аниқ белгилаш керак, – деди вилоят Кенгаши депутати Мустафшон Султонов. – Парламент назорати қарорларига "Маълумот учун қабул қилинсин", "Етарлича даражада эмас, деб топилсин" деган тавсиявий характер бериш билан амалий натижага эришиб бўлмайди. "Партиямиз ҳокимлар мақомлари тўғрисида"ги, "маҳаллий кенгашлар фаолияти тўғрисида"ги ва "регламент тўғрисида"ги бир қанча қонун лойиҳалари устида ишлаши лозим.

**Панжи Жалпиев,  
O'zLiDeP Муборак туман  
Кенгаши раиси, иқтисод  
фанлари номзоди, доцент:**



– Шиддаткор замондан орқада қолиб кетмаслик учун ҳар бир соҳага инновацияларни татбиқ қилиш зарур. Юртимизда ер ости ва ер усти бойликлари бисёр. Агар хорж инвестициясини жалб этиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштирсак, экспортбон маҳсулотлар тайёрлашни кўлайитира оламиз. Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. АҚТни ривожлантириш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқувчи технопарк тизимини йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширибгина қолмасдан, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади. **Солиқ тўлашда барчага тенг имтиёз берилса, соғлом рақобат кучайиб, адолат тамойили ўрнатилади. Экспорт қилувчи корхоналарга давлат тарафидан узоқ муддатли кредитлар ажратилиши керак. Юқори технологик ишлаб чиқариш жараёни жуда узунлигини ҳисобга олиб, кредитлар муддати 5 йилдан 10 йилга ўзайтирилиши шарт. Давлат мулк объектлари ва бўш турган ер участкаларини тадбиркорларга сотиш тартибини соддалаштириш мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга кўмак беради. Корхона белгиланган инвестицияни орттиги билан бажарган бўлса, у фаолият кўрсатаётган ерни 5 йил тўлмас ва хусусийлаштириб бериш мақсадга мувофиқ.**

– Халқ депутатлари худудий кенгашларини ҳокимлар бошқариши амалиётидан воз кечиш ташаббуси биз депутатларнинг олдимизда улкан ишлар, масъулиятли вазифа турганини аналтади, – деди сўзга чиққан халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Абдуқалим Мўминов.



– Аммо тажрибадан маълумки, сенаторлар сайловида биз депутатларни бир жойга тўплаб, вилоят ҳокимлиги масъуллари номзодлар исми-фамилияларини ярим соат ичида танлаб, ўқиб эшиттириб, сўнгра қўл қўтариб уларга овоз беришимизни сўрашади. Аммо бўлғуси сенатор ким, қандай тажрибага эга, сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий саводхонлиги қанақа, яратилаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиб, ўз фикрини билдиришга қодирми-йўқми, биз беҳабар бўлганмиз. Агар халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари раислари ҳам ҳокимлар томонидан танланиб, сўнгра депутатлар томонидан шунчаки сайланса, ижобий ўзгариш ва янгиликлар бўлишига ишонмайман.

**Шоира Ҳайдарова,  
партия фаоли:**



– Хусусий тиббий хизматни кенг йўлга қўйиш орқалигина аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш мумкин. Дастурда хусусий тиббиёт муассасалари қуриш учун тадбиркорларга ер ажратиш тартибини соддалаштиришни назарда тутиш лозим. Ҳозирда Қарши шаҳрида кўпгина хусусий тиббиёт муассасалари ижарада фаолият олиб боради. Ижара ҳақи ойига 20 миллион сўм. Газ, электр, ичимлик сув тўловларисиз. Натижада пуллик тиббий хизмат нархи ҳам анчагина юқори. Агар тадбиркорга бино қуриш учун ер ажратилса, тиббий хизмат учун олинган ҳақ анчагина пасайиши турган гап.

– Фермерга етиштирган маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини тўла бериш керак, – деди Касби туман "Юрт ризқи" МЧЖ раиси Насрулло Худойбердиев. – **Деҳқоннинг ҳосили пишсач, эга кўпайиб қолади. Далада ишласанг-у, уйингга бугдой тўқолмасанг, бу қандай гап? Дон, пахта, пилла етиштириш бўйича шартнома даялат билан**



**тузилиши, маблағи давлат томонидан тўланиши керак. Бугунги кунда қурилиш ташкилотлари зарур материалларни марказлашган ҳолда Тошкентдан олиб келишга мажбур бўлмоқда. Монополиянинг бундай кўриниши қувувчиларнинг норозилигини келтириб чиқаряпти.**

**Муродилла Турсунов,  
оилавий тадбиркор,  
Қарши тумани:**

– Очигини айтиш керак, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларидаги томорқа билан шугулланувчи мутахассислар ўз вазифасини тўлиқ бажара олмапти. Улар қишлоқ ва маҳаллаларга ойдаям бир келишмайди. Шунинг учун маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинида томорқа ер эгалари билан фаолият олиб борувчи штат бирликлари ажратиш керак. Бугунги кунда республикамизда гўшт маҳсулотларининг нархи кескин кўтарилиб кетди. Бунинг сабаби чорва



моллари боқиш учун ем-озуқани заводлардан олиш жуда қийин. Эркин савдони ташкил этиб, ёғ-экстракция заводлари ихтиёрдан олиб, дўконларда сотиш керак. Чорва билан шугулланувчи фермерларга ем маҳсулотларини имтиёзли нархларда бериш керак. Ҳозир эса улар устига "шапка" бериб, ем сотиб оляптилар.

– Бугун мамлакатимизда битирувчи ёшларнинг атиги 15 фоизи олий таълим муассасаларида таълим оляпти, – дейди ёш тадбиркор Наргиза Саломова. – **Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 70-80 фоизни ташкил этади. Кўпчилик тадбиркорлар ўрта маълумотли бўлгани боис иқтисодни, сиёсатни яхши тушунишмайди. Институтларга қабул қовталарини кўпайтириш орқали шартнома пулларини камайтириш мумкин. Ана шунда 60-70 фоиз ёшлар олий маълумот олиш бахтига муяссар бўлишади.**

**Раҳмиддин Боражабов,  
"Капитал-инвест" МЧЖ  
раҳбари, Косой тумани:**

– Вилоятдаги кичик саноат зоналарида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг иши унчалик ҳам юришаётгани йўқ. Банклардан кредит олишда қатор қийинчиликларга дуч келишяпти. Агар кичик саноат зонаси тавсиясига асосан имтиёзли кредит олиш имкони яратилса, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги кескин ошган бўларди. Кичик саноат зоналаридан ажратилаётган ерларда тадбиркорларга ўзи истаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳуқуқи берилса, уларнинг фаолияти жонланиб, ёшлар учун янги-янги иш ўринлари пайдо бўларди. Чунки тадбиркор маҳсулот ишлаб чиқаришни бозорга қараб танлайди. Ҳокимият талаби билан тайёрланаётган маҳсулотларни ҳеч қим харид қилмайди. Чунки ҳамма шу маҳсулотни ишлаб чиқаради-да.

**Жаббор Қодиров,  
Халқ депутатлари Миришкор  
туман Кенгаши депутати:**



– Янгиланган дастурда илмий ишланмаларни рағбатлантиришга, иқтидорли ёш олимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Халқимиз ёшлардан янги кашфиётлар кутмоқда, бу эса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жуда муҳим. Бугун воҳа далаларига экиладиган гўза навлари 150 кунда пишиб етилади, чигит ва тола чиқиши ҳам талабга жавоб бермайди. Бу муддат жуда кўп бўлиб, йиғим-терим ишларини ёгин-сочинли кунларгача давом эттиришга мажбур бўласиз. Агар олимлар тезда пишиб етиладиган янги нав яратишса, ундан 50 фоиз тола ва 50 фоиз чигит олинса, фермер хўжалиқларининг иқтисодий қуввати ортган бўларди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ер ости сув захираларини иқтисод қилиш мақсадида сув тежаш технологияларини ўрнатиш, ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, қишлоқ хўжалигига салоҳиятли корхоналар ва инвесторларни жалб этиш давр талабидир. Фермерга ерга тўлақонли эгалик ҳуқуқи берилса, манфаатдорлиги ортиб, янада борақалироқ ишлашга, ердан мўл ҳосил олишга иштиёқи кучаяди. Маълумки, бугун қишлоқ хўжалигимиз маъмурий бошқарувга асосланган. Бу далада ишлаётганларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўланиши ва эркин фаолият олиб боришига монелик қилмоқда. Шартномавий муносабатларга тўлиқ ўтиш бундай номақбул ҳолатларга чек қўяди. Фермер ёки деҳқон хўжалиги раҳбари шартномани бажарган, ортган ҳосилни хўжалиги ихтиёрига қолдиришга тўла ҳақли бўлади. Шундай замонавий комбайнлар яратиш керакки, териш жараёнида пахтани тола билан чигитни ажратиб олинсин. Ана шунда фермер чигит ва толасини алоҳида нархларда сотиш имконига эга бўлади.

– Дастуриמידан ўрин оладиган "Тадбиркорлар кунини" қонун асосида белгиланган борақалироқ тақлиф мени қувонтириб юборди, – деди Касби туманидан келган ёш фермер Акмал Оромов. – Бугунги ёшларни тадбиркорликка йўналтириш биров оғир кечаётгани бор гап. Йигит-қизлар ишбилармонлиқни ўрганиш учун икки йил муддатлик қимматли вақтларини сарфламоқда. Агар биз мактабларда 5-синфдан бошлаб тадбиркорлик дарсларини йўлга қўя олсак, ёшлар мактабни битиргунларига қадар ўз савий-ҳаракатларини жамлаб, маҳоратларини шакллантира олардилар. Бундай сабоқларни тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда ҳам ташкил этса бўлади. Мен тез-тез мактабларда бўлиб "Тадбиркорлик сабоқлари"ни ўтганимда ёшларимизда ишбилармонликка иштиёқ юқори эканига амин бўламан.

**Сарвар Бекмуродов,  
партия вилоят Кенгаши  
ташкилий-партиявий ишлар  
бўлими мудири:**

– Партияимизнинг янгиланган дастурида ҳар бир туман Кенгаши ўз биносига эга бўли-

ши алоҳида қайд этилиши керак деб ҳисоблайман. Чунки кўпгина туман кенгашлари ижарада фаолият олиб бормоқда. Ҳаттоки вилоят Кенгаши ишлаётган биро ҳам партия имижига мос эмас. Ҳар бир Кенгашни тарғибот воситалари билан таъминлаш учун тушумларнинг бир қисmini қолдириш, фаолларни мунтазам рағбатлантириш учун маблағ ажратиш ҳам гоёвий-сиёсий, ташкилий партиявий ишларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

– Китоб тумани мева-сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослашган, – деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, тадбиркор Алишер Бойқораев. – Аммо фермер ва тадбиркорлар тайёр маҳсулотларини хоризга чиқаришда қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Чунки маҳсулот тайёр бўлгач, вагонларга жойлаш учун кўп вақт кетади. Натижада сифат йўқолади. Агар тадбиркор ва фермерлар маҳсулотларини 5-10 тонналик юк машиналарига юклаб, хоризга экспорт қилса, юқори сифатда харидорга етиб боради. Ишлаб чиқарувчи ҳам яхшигина даромад кўради. Узумчиликни индивидуал ташкил этиш мумкин эмас. Шунинг учун узум етиштирадиган агрофирмаларни қайта очиш керак. Узумзорлар билан-билмаган қишлоқларга бўлиб берилган, ҳосил кескин камайиб кетди. Чунки ҳар қим ҳар хил парварши қилади. Узум эса ёлпасига ишлов ва озуқа беришни талаб этади. Бу ҳақда



ҳам жиддий ўйлашимиз керак.

– Яқинлашиб келаётган сайловлар олдимизда турган жиддий синовдир, – деди тадбиркор Нарзулла Намозов. – Бу жараён шаффоф, адолатли ва қонунчилик принциплари асосида ташкил этилса, сайловчилар кўтаринчилик билан сайловда иштирок этиб, ўз танлаган номзодлари учун овоз берадилар. Аммо эскича қарашлардан воз кечолмаётган айрим ҳокимлар сайловларда ўзлари истаган номзодларни қолдириб, ёқмаганларини чизиб ташлашади. Номзодларни рўйхатга олиш жараёнида ташкилий назорат гуруҳи рўйхатни ҳокимга олиб киради. У рўхсат берган номзодларга матбуотда эълон қилинади. Биринчи текширувдан ўтсангиз ҳам, ҳокимнинг буйруғи билан сайловда етарли овоз олишингизга ҳалақат қилишади, ҳар хил ўйинлар билан сизни барибир сайлашмайди. Ўтган сайловда бизнинг Қарши туманимизда ана шундай ноҳолисликлар содир бўлди, оқибатда одамлар сайловларни адолатли ўтишига шубҳа билдирдилар.

Очигини айтганда, қутилмаган, айниқса, кейинги йилларда илк марта қизгин баҳс-мунозаралар, танқидий-таҳлил асосида ўтган давра суҳбатида Сайлов кодексининг кучга кириши сайлов тўғрисидаги ҳужжатларни ягона тизимга солишга хизмат қилиши, сайловларни кучли партиялараро рақобат, гоёлар ва дастурлар кураши остида ўтишига эришиш, номзодлар танлашга жиддий ёндашиш, ишончли вакил ва қузатувчиларнинг сиёсий билмларини оширишга эътибор қаратиш каби муҳим вазифалар ҳақида ҳам фикр алмашилди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,  
"XXI asr" мухбири**



O'zLiDeP худудий партия ташкилотларида

# Самарқанд: қизгин муҳокама, баҳс-мунозаралар ошқора руҳда кечди ва амалий таклифлар билдирилди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаоллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида O'zLiDePнинг янгиланган дастури ва сайловолди платформаси лойиҳалари муҳокама қилинди.

– 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган изчил демократик ислохотлар, Сайлов кодексининг қабул қилиниши, мамлакатда яна бир сиёсий партиянинг вужудга келиши каби қатор омиллар бу галги сай-

жадал ривожлантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли учун арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича ҳам муҳим таклифларни баён этди. – Ҳеч кимга сир эмаски, шу йилнинг

ри ва сайловолди платформаси лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

O'zLiDeP Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан ҳам мазкур тадбирлар вилоят, туман (шаҳар) даражасида уюшқоқлик билан ташкил этилди. Жонли мулоқот ва баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбатлари давомида 80 га яқин маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари, БПТ раислари томонидан 200 га яқин фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Самарқанд вилоят ҳудудий бўлини масъул раҳбари, Самарқанд вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси, Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Шохрух Жўракулов хусусий тадбиркорларга кенг имтиёзлар беришнинг ижобий жиҳатлари билан бирга, салбий тарафларини ҳам ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

Имтиёзлар боқимондалик кайфиятини келтириб чиқариб, очик бозорларда рақобат қилиш суръатини пасайтириши мумкин. Молиявий-иқтисодий имтиёзларни бутунлай бекор қилмаган ҳолда, уларни туркумлаштириш зарур. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида хусусий бандлик ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қурилиш бозорини ривожлантириш, муносабатларни либераллаштириш орқали одамларга муносиб ва ҳамёнбоп маҳсулотлар таклиф қилиш айти мудоаодир.

Таъкидлаш керакки, вилоят даражасида бўладими, туман (шаҳар) даражасида бўладими, барча тадбирларда ёшлар жуда фаол бўлиши. Улар кўпчилик учун қизиқarli мулоҳазаларни дадил баён этишди. Бу эса давра суҳбатларини жонли мулоқот тарзида ўтишига хизмат қилди, десак муболага бўлмайди.

Мисол учун, партия “Ёшлар қаноти” фаоли, “Style.uz” МЧЖ раҳбари



“Ёшлар қаноти”нинг яна бир фаоли, Абдулазиз Суяров эса таълим муассасалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорлик ўрнатиш бўйича “Буюртмали таълим” механизмини йўлга қўйиш, тадбиркорлар эҳтиёжларига мос равишда кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш лозим, деган таклифни ўртага ташлади ва ўз фикрини аниқ мисоллар ёрдамида асослади. Бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан маълум ихтисосликлар бўйича таълим муассасаларига буюртма берилди. Талабанинг шартнома пуллари ҳам тадбиркор томонидан қопланади. Энг асосийси, олий таълим муассасасини тугатган талабанинг иш ўрни кафолатланади.

Стартап ва замонавий бизнесни ривожлантириш мақсадида партиянинг жойлардаги кенгашлари қошида тадбиркорларни ўқитиш марказларини ташкил қилиш ва халқаро тажрибалар асосида мастер-класслар ўтиш, қўлланмалар чоп этиш борасидаги таклиф ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Яна бир вазифа сифатида дастурга “Партиянинг ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилишдаги асосий вазифалари” бандини киритиш таклиф этилди. Шунингдек, O'zLiDeP Жомбой ва Булунгур туман Кенгаши фаоллари томонидан қизгин муҳокамага бой бўлган йиғилишда партия фаоллари депутатлик назоратини кучайтириш борасида қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, қурилаётган намунавий уй-жойларнинг сифатини кўриб чиқишни депутатлар зиммасига юклаш бўйича таклифлар берилди. O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудир Нодир Тўраев ишламаётган депутатларни чақириб олиш механизмини соддалаштириш фикрини ўртага ташлади.

– Бугун мамлакатимиз раҳбари томонидан депутатлар зиммасига масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Аммо айримлар халқ олдидаги вазифаси, ма-

Яна шундай лойиҳа муҳокамаси, Тойлоқ туманида ташкил этилиб, туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, партия фаоли Жаҳонгир Ҳақбердиев миллий кадрлар захирасини яратишда O'zLiDeP фаол бўлиши керак, деган таклифни илгари сурди. Ҳозирча бундай тизим бирорта партия амалиётида кўзга ташланмади.

– Партия ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкилий-ҳуқуқий механизмларини изчил равишда такомиллаштиришга эътибор қаратиши лозим, – дейди Жаҳонгир Ҳақбердиев. – Шундай экан, партия интеллектуал мулк эгалари, ёш кадрларнинг мансаб лиллаояларидан кўтарилишини мониторинг қилиши ва рағбатлантириб бориши даркор.

Қизгин давом этган муҳокамада Халқ депутатлари Самарқанд туман Кенгаши депутати Усмон Хуррамов кичик чорвачилик хўжалиқларига юридик шахс мақомини бериш таклифини илгари сурди. Агар биз бундан дастуримизда акс эттира олсак, мамлакатимизда сифатли гўшт этиштириш ва бозорларни арзон маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшган бўлаемиз.

Ҳозирги ахборот асрида аксарият сиёсий партияларнинг веб-сайтида ёшлар билан интерактив алоқа йўлга қўйилмагани ажабланарли. Йигит-қизлар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топа олмайди. Холбуки, сиёсий партиялар истикболли ёш раҳбарларни тайёрлаш мактаби бўлиши зарур. Навкирон авлод вакиллари сиёсий партиялар, айниқса, уларнинг парламентдаги фракцияларида қўриб чиқилаётган масалалар, янги қонун лойиҳаларидан етарлича хабардор бўлмаяпти.

Яна бир муҳим йўналиш – қонунларни қабул қилишда жамоатчилик, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаяпти. Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғри енгил бўлди, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал бўлди, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизиқмаяпти. Қизиқса ҳам, лоқайдлик устун келяпти.

Самарқанд туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Азиз Рашидовнинг фикрича, мамлакатимизда аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, мазкур муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожланган чет мамлакатлар мутахассислари билан мастер-класслар ташкил этиш лозим. Шунингдек, жойлардаги партия ташкилотларини ахборот-коммуникация технологиялари, сайловларга оид зарур услубий қўлланмалар билан таъминлаш, партия ташкилотларининг ўз биносига эга бўлишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

O'zLiDePнинг янгиланган дастур ва сайловолди платформаси лойиҳалари Самарқанд вилоятининг бошқа туманларида ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда.



ловлар сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичда, кучли партиялараро рақобат, ғоялар ва дастурлар кураши остида ўтишидан далолат беради, – дейди O'zLiDeP Самарқанд вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров. – Муҳокамадаги ҳужжатлар лойиҳалари ана шу янгиланиш ва ўзгаришларга мос тарзда ишлаб чиқилган.

декабрь ойида парламент кўйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловда муносиб иштирок этиш партиямиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир, – дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси сектор мудир Акбар Музаффаров. – Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Аввало, сайловчиларни кейинги беш йилга мўлжалланган ғоя



Тўғри, партиямизнинг ўн олти йиллик тарихи давомида бир неча бор сайловолди дастурлари тайёрланган, лекин уларнинг ҳеч бири бу сафаргидек сайловдан анча олдин кенг муҳокама этилмаган эди.

Давра суҳбатида беш йўналишдан иборат дастурнинг ҳар бир йўналишида белгиланган вазифа ва мақсадлар атрофлича муҳокама қилиниб, фаол иштирокчиларнинг таклифлари тингланди.

Ўзбекистонни 2050 йилгача 50 та ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсади устуворлиги, ўз навбатида, ана шу мақсадга етиш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз зарурлигини таъкидлади. Бунда мамлакат иқтисодиётининг таянчи бўлган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, ижтимоий соҳа бўйича ҳам муҳим ташаббус ва ғоялар илгари сурилаётгани айти мудоаодир.

Тадбир қатнашчилари соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида хусусий секторни

ва мақсадларимизга ишонтира олишимиз лозим. Мазкур жараёнга бугунги сайловчининг талаби мутлақо янги чалиги, яқин ўтишдагидан анча фарқ қилишини, зеро, эндиги сайловчи янгиланаётган, ўзгараётган Ўзбекистон фуқароси эканини теран англаган ҳолда киришимиз керак бўлади. Бинобарин, сўз ва ахборот эркинлиги ҳуқуқи кенг таъминланаётган, сиёсий қарашлари анча теран, ижтимоий фаоллашган, очик ахборот маконидан ҳеч бир монеликсиз фойдаланаётган сайловчиларни ғоя ва мақсадларимизга эргаштириш осон бўлмайди. Бугун одамларнинг дунёқарашини, сиёсий қарашлари, ҳуқуқий савиясини ўси. Партия олдида эса ана шундай талаб даражасида фаолият юритиш масаласи турибди.

Демак, партиямиз дастури ва сайловолди платформаси ҳаётга яқин, халқчил вазифаларни ўзида мужассам этиши давр талабидир. Айти шу мақсадда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг қарори билан шакллантирилган ишчи гуруҳлар томонидан жойларда фаоллар иштирокида партиянинг янгиланган дасту-



Садриддин Қаршибоев тажриба алмашув майдонини шакллантириш мақсадида махсус “Интерактив тадбиркорлар мулоқот майдони”ни ташкил этишни таклиф қилди.

сўзлиятини унутиб қўйган. Уларни чақириб оламини десак қайта сайлов ўтказиш керак. Бу эса қисқ вақт ва маблағ талаб қилади. Ишламаётган депутатларни чақириб олиш соддалаштирилса, уларни фидойий масъулиятли маслақдошларга алмаштириш осон кечади ва депутатлар фаолиятида ўзгаришлар бўлади.

# Энди республика босқичида кўришамиз

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Бошқа ҳудудларда кузатиш каби танловнинг Тошкент шаҳар Кенгашидаги ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилган маҳсулотлар ўтган йилдаги нисбатан янада сифатли, жимжималор, инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилгани кўзга ташланди.



## ХОРАЗМ

Мазкур вилоят босқичида танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиби бўлган 50 нафарга яқин хотин-қиз беллашди.



## “Меҳнатинг қадрланса қувонасан”

Ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этилган танловда ҳайкамлар ҳайъати аъзолари дастлаб иштирокчиларнинг ўзлари яратаётган ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари кўргазмасига баҳо берилди.

Якуний натижага кўра танловда 1-ўринни “Даритал шоес” хусусий корхонаси раҳбари Гавҳар Жуманова, 2-ўринни “Мақсуда Мадамин” оилавий корхонаси раҳбари Мақсуда Мадримова ва 3-ўринни эса якка тартибдаги тадбиркор Азода Исканджиева лойиҳа деб топилди.

Барча ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди. Танловда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган эркалар ва болалар пойабзалларини намойиш этдим, — дейди Гавҳар Жуманова. — Маҳсулотларим ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланганидан бошим кўкка етди, ахир қалб кўринг ва кўз

нуринг жо бўлган матоҳинг кимгадир ёкса, яна мана бундай танловда юқори баҳоланса, хурсанд бўлмаслик мумкинми, айтинг! Буни ҳар бир тадбиркор, ҳам бир захматкаш яхши тушунади. Насиб этса эндиги навбат — республика босқичига ҳам муносиб тайёргарлик кўриб, фахрли ўринни эгаллашга астойдил ҳаракат қиламан.

— Бу ердан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак. Шу боис бир-бирдан ажойиб, кўзни қамаштирувчи, ранго-ранг маҳсулотларга алоҳида эътибор қаратмасликнинг, уларни ишлаб чиқарувчиларининг ҳаракатини эъозлашнинг иложи йўқ. Аксинча инсофсизлик бўлур. Шу маънода асосий ўринлардан ташқари турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, совринлар улашилди. Хусусан, Ҳазорасп туманидаги “Муслим-

бек Страус” фермер хўжалиги раҳбари Дилафруз Якубова — Замонавий ташаббускор аёл, Гурлан туманидаги “Пайпоқ ишлаб чиқариш” цехи раҳбари Динора Зарипбаева — энг ёш, фаол аёл тадбиркор, Янгиариқ туманидаги якка тадбиркор, хунарманд Ирода Саъдуллаева — йилнинг муруватли ишбилармон аёли дея эътироф этилди. Шунингдек “Меҳринисо нони” хусусий корхонаси раҳбари, боготлик Дилфуза Сетматова — инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл, “Хосиёнли Жасур” фермер хўжалиги раҳбари, қўшқўприлик Тўраева Сайёра — қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл номига сазовор бўлди.

Нурон ЭЛМИРЗАЕВА, “XXI as” муҳбири

## Янада сифатли ва фойдали

— Фаолиятимни 2014 йилда бошлаганман, — дейди “Root extract” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Захида Ахмедходжаева. — Айтиш мумкин, айни пайтда асосан қизилмия илдизини қайта ишлаш билан шуғулланяпмиз. Корхонамизда 20 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Маҳсулотларимизни Ҳиндистон

ва Хитойга экспорт қилаяпмиз. Эндиликда Туркия билан ҳам ҳамкорлик бошлаш арафасидамыз. Ички бозорда ҳам маҳсулотларимизга талаб юқори. Бундай рағбатлар эса бизни янги марралар сари руҳлантириб, кучимизга куч қўшади.

Якуний хулосаларга кўра, 1-ўринга “Root extract” МЧЖ ди-

ректори Захида Ахмедходжаева, 2-ўринга — “Davr PRESS” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Лидия Увачева, 3-ўринга эса якка тартибдаги тадбиркор Азода Исканджиева лойиҳа деб топилди.

Барча ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## БУХОРО

## Танловнинг вилоят босқичи ҳам ўзгача ўтди

— Мана, олти йилдирки, Бухорои шарифга ташриф буюрадиган маҳаллий ва чет эллик сайёҳларга компаниямизга қарашли сўнгги русумдаги хорижий автобуслар ёрдамида транспорт хизмати кўрсатиб келмоқдамиз, — дейди фахрли 1-ўринга сазовор бўлган “Ark travel” сайёҳлик компанияси раҳбари Инобат Каримова.

— Кейинги ярим йилда Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан ўзаро манфатли шартномалар тузишга эришдик. Бу эса фаолиятимизни янада такомиллаштириш имконини беради.

Навоий вилоятидаги бир қатор хориж компаниялари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари... булар — Бухородаги “Эркатой болажон” МЧЖ цехларида чевар тикувчи ва моҳир усталар бежирим қилиб тиккан болалар оёқ кийимлари ва ортопедик маҳсулотларга

доимий буюртма берувчилар номлари. Тайёр маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардорлиги мазкур ишлаб чиқариш субъектининг турдош корхоналар ва оддий харидорлар орасидаги обрў-эътиборини йил сайин оширмоқда. Коллеж битирувчиларидан Дилноза Рустамова, Дилноза Эргашева, шунингдек, ўз касбининг моҳир усталари — Дилбар Қораева, Мавлуда Намозова, Шахло Собирова кабиларнинг гайрат-шижоати туфайли ўтган ярим йилда 480 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 200 жуфт пойабзал, 3 мингта махсус кийим-бош буюртмачи корхоналарга ўз вақтида етказиб

берилди. Бугунги кунда 70 киши “Эркатой болажон” цехларида доимий иш билан банд.

Корхона раҳбари, партия фаоли Фотима Зиёдуллаеванинг ташаббускорлиги, жамоада соғлом маънавий муҳитни яратишга олднинг ишлаб чиқаришда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритиш имконини берапти.

Танлов натижаларига биноан Фотима Зиёдуллаева билан бирга Қорақўл туманидаги “Моҳинур” хусусий корхонасига қарашли кардиология даволаш клиникаси раҳбари, олий тоифали провизор Гулнора Комилова ҳам фахрли 2-ўридан жой олди.

2007 йили атиги 5 киши билан дорихона фаолиятини йўлга қўйиб, ўз мутахассислиги бўйича иш бошлаган Гулнора Комилова изланишда тинимсиз давом этди. Сақиз йилдан сўнг “Моҳинур” хусусий корхонасида шифо излаб келган беморларга хизмат кўрсатишга ўтди. Унинг фаолияти бардавом бўлишида

“Асакабанк”дан ажратилган 350 миллион сўмлик кредит қўл келди. Бугунги кунда бу ерда малакали мутахассислардан 30 кишининг бандлиги таъминланган. Ушбу корхона тасарруфдаги клиникада ҳозирги пайтда физиотерапия, лаборатория, кардиология, неврология ва бошқа йўналишларда беморларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Кам таъминланган оила аъзолари, эҳтиёжманд ва якка-ёлғиз кишилар бепул тиббий хизматдан фойдаланишлари мумкин. Шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб ишга туширилиши кўзда тутилган янги клиника эса яна бир қатор тиббиёт мутахассислари, жумладан, эндокринолог, гинеколог, қўлоқ, томоқ, бурун, кўз хасталиқларини даволовчи шифокорлар ҳам фаолият кўрсата бошлайди.

Ҳайъат аъзолари ушбу партиявий лойиҳа талаблари даражасида иш юритиб келаётган бошқа бир қатор ишбилармон аёлларни ҳам аниқлаб, меҳнати ва ютуқларини муносиб

тарзда эътироф этишди.

— Муҳими, фақат ғолиблик эмас, — дейди партия вилоят Кенгаши аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Робия Салихова. — Кўрик-танлов иштирокчилари ўзаро тажриба алмашиб, бундан кейинги режа ва вазифаларини белгилаб олишди. Бу имконият келгусида уларнинг фаолияти ривожига жуда асқотади.

Таомилга кўра 3-ўрин бир йўла 3 нафар хотин-қизга — Когон шаҳридаги “Малика текстиль” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Асалхон Мамаюсупова, Бухоро шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор Умида Кабилова ҳамда Олот туманидаги “7x7” хусусий корхонаси раҳбари Гулчехра Қораевага насиб этди.

Фаол хотин-қизлар бошқа номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

Асқор ИСТАМОВ, “XXI as” муҳбири

## Нигоҳ

# Нон азииз, новвой-чи?

## Ёхуд бу борада учраётган айрим нуқсонларга биргаликда ечим излаш вақти етди

Тандирда пишган нонни севиб истеъмол қилайдиган одам бўлмаса керак. Дастурхонимизни хамиша ана шу азииз неъмат безаб туради. Бирор кунимиз нонсиз ўтмайди. Бозор-у бозорчаларимиз, кафта-ю кичик дўконларимиз хилма-хил, бири-биридан мазали, ис-талган таъб ва дидга мўлжалланган нонлар билан тўлиб-тошган.

Бу борадаги маъмурият бўйича ҳеч бир давлат юртимизга бўйлашолмаса керак. Бундан, албатта, гурурланамиз, мамнун бўламиз. Лекин кўрганда кўзни қувнатадиган нонлар қарда, қандай шароитларда тайёрланаётгани билан ҳамма ҳам қизиқавермайди. Ўтган йили Тошкент шаҳрида “Обод маҳалла” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган республика ишчи гуруҳининг мазкур йўналишдаги ўрганишларидан маълум бўлдики, пойтахтимизда сотиш учун етказиб бериладиган нон маҳсулотларининг каттагина қисми хонадон-ҳовлиларда жойлашган новвойхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг учдан бир қисми санитар-гигиеник талабларга жавоб бермаслиги аниқланган.

Ўн йилдан ошдики, деярли ҳар кун нон харид қилиш учун бозор оралайман. Ана шу мuddат давомида нон маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сотиш жараёнлари билан боғлиқ, бир қарашда кўз илғамайдиган талай камчиликлар, муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўлдим. Нонни ташиш масаласини олиб кўрайлик. Ҳамон алмисокдан қолган усул қўлланиляпти: нонлар болалар аравачаси, қўл арава ёки велосипедга ўрнатилган ёғоч кутига тахланиб, устидан эски, унққан ёпинчиқ ёпилади. Шу турдаги бизнес билан машғул юртдошларимиз маданияроқ, замонавийроқ усулга қачон ўти-

шаркин? Яна бир ғалати ҳолат: расталардаги энг кўримли нонлар ҳам ижарага олинган эски, таъмирталаб, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашнинг энг оддий талабларига ҳам жавоб бермайдиган уларнинг бир бурчагида ташкил қилинган ғарибгина тандирхоналардан чиқиб келяпти...

Гулистон шаҳрида эл-юртнинг тўй-маъракаларига нон ёлиб берадиган машҳур бир новвой бор. Бир кун мен ҳам уйимизда бўлиб ўтадиган йигинга нон буюртма бериш учун ана шу акамизни излаб бордим. Ичкарига кириб, бозор атрофидаги новвойхоналардан фарқли равишда, кишига хуш ёқадиган бир манзарага дуч келдим: ҳамма жой озода, гигиена шартларига қатъий риоя қилинган, 4-5 нафар ишчи-хизматчининг барчаси эгнига ва бошига тоза кийимлар кийган, боз устига, хушмуома-ла. Хамир қилиниб, нон ясаладиган асосий хонада катта бир стол турибди. Унинг ёнида эса, таажубки, ишлаб чиқарилганига ҳамаси ярим аср бўлган, ташқи томони қорайган, ички қисмлари эса сарғайиб кетган иккита сўмилиш ваннаси турибди. Ҳайрон бўлиб, сўрадим: “Ака, буларда сув сақлашисизларми?” Новвой акамиз хотиржамлик билан: “Ука, нон учун хамирми мана шуларда тайёрлаб оламиз-да!”, деди. Бошимга тўсатдан ўқов билан зарба берилгандек гангиб қолдим. Ана холос! Ширмой нон-

нинг дунёга келиши ҳақидаги ёруғ тасаввурларим бир зумда барбод бўлди. “Новвойхонага олиб келганингизда бу хамир тоғораларингиз янгимиди?” деб сўрагим келди-ю, негадир индамадим...

Бир мuddат Тошкентда яшашимга тўғри келди. Иттифоқо ошхонада тушлик пайти бир йигит билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Уни танийман: Чилонзор туманидаги бозорда кўркам, ширин патирлар сотарди. Кўп бора ундан нон харид қилганман. Вилоятларнинг биридан пойтахтимизга келган, очик чехрали, самимий бу йигит билан анча суҳбатлашдик. Айтишча, ҳалол меҳнат орқали топаётган даромади тирриқчилигига етляпти, бундан ташқари оиласига ҳам мунтазам пул жўнатаяпти. Сершовқин шароитда ишлаш, турфа одамлар билан муоамала қилиш ўзига ёқини ҳам сўзлади. Хуллас, ҳаётдан, қилаётган ишидан рози. Унинг турмушидан мамнунлигини ҳис қилиб, кўнглимга илиқлик югурди. Суҳбатимиз поёнига етиб, кўчага чиқдик ва хайрлашдик. Бир нарса дилимни хира қилди: ундан нохуш ҳид уфуриб турарди. Ювинмаганига ўн кунлар бўлгандир-ов. Кийимлари тозага ўхшайди, лекин барибир иссиқ кунларда либосларни ҳам тез-тез ювиш зарур. Ижарада яшайди-да, бундай ишларга шароити йўқ шекилли. Беихтиёр хаёлимдан шундай ўй кечди: “Чиройли-чиройли нонлар билан савдо қилаётган сотувчики, гигиенага риоя қилмас экан, тандирхонада ишлаётганларнинг аҳоли қандай бўлиши мумкин?”

Қиссадан хисса шуки, бу соҳани тартибга солиш вақти аллақачон келган. Новвойхоналарда санитар-гигиенага оид назорат ишларини кучайтириш зарур. Фикримизча, улар фаолиятини йўлга қўйишда бир қанча жиҳатларга



алоҳида эътибор бериш мақсада мувофиқ. Новвойхона жойлашган масканнинг озода, саранжом-саришталлиги, хамир қориладиган ва нон ясаладиган хонанинг ички ва ташқи деворлари тоза, ёрилмаган бўлиши, оқ ранг билан бўялганлиги, пол қисмининг ҳамда катта ҳажмли хамир идишларининг гигиеник шартларга тўла жавоб бериши, ўтин, кўмир каби ёқилгиларнинг тартибли сақланиши, ичимлик сувининг доимий мавжудлиги, новвойхона яқинида душ ёки ҳаммом борлиги сингари талаблар шулар жумласидан.

Новвойхонада ишлайдиганларга нисбатан ҳам тозалик бўйича муайян шартлар белгилашни лозим. Умуман, тартиб-қоидалар борасида батафсил сўз юритишга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки, бу йўналишда йўриқно-

малар, қонун-қоидалар ишлаб чиқилганидан буён кўп вақт ўтганига ишончим комил. Бироқ, афсуски, тегишли идоралар, ташкилотлар уларни амалга татиқ қилиш бўйича етарлича жонбозлик кўрсатмаётгани яққол кўзга ташланиб қоляпти. Яна бир гап. Фақатгина жарималар ва жазолашнинг бошқа усуллари билан аҳволни ўнглаб бўлмайди. Фаолиятини ҳар томонлама мукамал йўлга қўйган новвойларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларга сертификатлар, ёрликлар топшириш, ишини оммалаштириш мақсада мувофиқдир.

Дилшод ТўРАҚУЛОВ, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши мафхуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири

Шукух

## Бўш вақт — хуш вақт

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги “Экопарк” боғида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, ёшларнинг ёзги таътилдаги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масалалари муҳокама қилинган йиғин Тошкент шаҳар ҳамда Учтепа туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, O'zLiDeP ҳамкорлигида ташкил этилди.



Беш ташаббус



## Кувнамаган болакай қолмади

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ғояси ижтимоий ҳаётимизда чин маънода гуриллаб турган моторнинг ҳаракатлишига сабаб бўлди. Айниқса, ёш авлоднинг таълим-тарбияси, мароқли ҳордиқ чиқариши йўлида кўзга кўринарли ишларнинг жадаллашуви-га олиб келди.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва O'zLiDeP ҳамкорлигида ана шундай хайрли ва эзгу ишларнинг давоми сифатида болажонларга қувонч улашди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, алоҳида истеъдод эгалари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан иборат бир гуруҳ ўғил-қизчалар Бектемир туманидаги “Grace Garden” дам

олиш масканида ҳордиқ чиқаришди.

— Бугун уларга озгина бўлса-да қувонч улашдик, демак, вақтимиз бесамар ўтмади, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири майор Кенжабой Мусанов. — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутат Алишер Мусанов билан ҳамкорликдаги акциямиз ҳали давом этади.

Шу кунни намойиш этилган “Ўзбекистоннинг бахтли болакайлари” шоу-дастурида ўйнамаган, қувнамаган болакай қолмади. Ҳар бир иштирокчи дастур қатнашчисига айланиб, эртақ ва мультфильм қаҳрамонлари билан қизиқарли шартларни ба-жарди.

Мудофаа вазирлигининг Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти



Тадбир доирасида Учтепа туманида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хунармандларнинг санъат намуналари кўргазмаси намойиш этилди. Айниқса, кечанинг бадиий қисмида таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, “Хумо” болалар шоу-гурухининг ранг-баранг рақслари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида болалар ўртасида турли хил спорт мусобақалари ўтказилди. Ҳолиблар “Корпорация Богатырь” хусусий корхонаси директори, O'zLiDeP аъзоси Ботир Содиков, Мудофаа вазирлиги ходими Бахтиёр Дадабоев томонидан совгалар билан тақдирланди.

Солижон ЗОИРОВ,  
“XXI asr” мухбири  
Суратларни муаллиф олган.

## /// ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР ///

### Бухорода янги қўшма корхона очилди

Бухоро туманидаги “Кўчкўмар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида пойабзал ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Soltani shoes” Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси иш бошлади. — Корхона фаолият бошлашидан аввал ўтказилган назарий ва амалий машғулотлар давомида иш жараёни пухта эгаллаганимиз, хусусан, хомашёни пресслаш, тикиш-бичиш борасида етарлича тажриба ва кўникмага эга бўлганимиз қўл келяпти, — дейди корхона ходимларидан бири Авазбек Тиллаев. — Ҳозирда замонавий технологик линиялар воситасида болалар ва аёллар оёқ кийимлари ишлаб чиқаряпмиз.

Иқтидорли дизайнерлар томонидан тайёрланган чизмалар моҳир ти-

кучи-мотористларнинг қўлига тушгач, қисқа фурсатда бежирим, кўркам маҳсулот шаклига қияпти.

— Корхонамизда йилига 20 минг жуфтгача сифатли пойабзал ишлаб чиқариш имконияти бор, — дейди “Soltani shoes” МЧЖ раҳбари Алериз Солтани. — Ҳозирда 25 кишининг бандлиги таъминланган. Жорий йил давомида ишчи-хизматчилар сонини 2 бараварга кўлайтиришни режалаштирганмиз.

Янги корхонанинг маҳсулотлари Россия, Қозғистон ва Эронга экспорт қилинмоқда.

Асхор ИСТАМОВ,  
“XXI asr” мухбири

### Ёш ишбилармон биздан миннатдор

Орзигул Тошқулова коллежда ўқиб юрган кезларида сартарошликни ҳам пухта ўрганган эди. Институтга бир неча бор ҳужжат топшириб, омади чопмагач, Жомбой туманидаги аёллар гўзаллик салонларида сартарош бўлиб ишлади. Аммо топаётган даромади уни қониқтирмади. Шу боис мустақил иш бошлашга, тадбиркорликка қўл уришга аҳд қилди. Бироқ бошлангич сармоя тополмай, анча қийналди. Пировардида шу масалада кўмак сўраб, O'zLiDeP Жомбой туман бўлимига мурожаат қилди.

— Орзигулга “Ҳар бир оила — тад-

биркор”, “Yoshlar — kelajagimiz” давлат дастурлари доирасида ажратилаётган кредитлар ҳақида атрофлича маълумот бериб, банкдан сармоя олиш учун зарур ҳужжатлар тайёрлашга ёрдамлашдик, — дейди партия Жомбой туман Кенгаши аппарати раҳбари Зебо Юсупова.

Орзигул Тошқулова O'zLiDeP Жомбой туман Кенгаши кўмагида банкдан олган 30 миллион сўмлик маблағга гўзаллик салони очди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,  
O'zLiDeP Самарқанд вилоят  
Кенгаши матбуот котиби



## Тўхтатилган бульдозер

ёхуд ўзбек кинеси башоратчилари

Болалиқда бир кино кўргандим. Бош ролни машҳур афсонавий актёр Ҳамза Умаров ўйнаганди. Адашмасам, номи “Ўзгалар бахти” эди. Бош қаҳрамон катта лавозимда ишлайди.

Эсимда кўпроқ қолган лавҳа шуки, у бульдозерчи (Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов ижро этган)га эски уйни бузишни буюради. Шунда уйнинг эгаси, ҳовлиси бузилишига қарши бўлган қария йўлдан қочмай тураверади. Раис унга четга ўтишни буюради, аммо чол қайсарлик қилиб жойидан жипмайди. Жаҳли чиққан раис бульдозерчи унинг устига ҳайдашни буюради. Мурод Ражабов қаҳрамони бундай буйруқдан довдираб қолади. Кейин эса бульдозерчи қарияга қарата эмас, раиснинг устига ҳайдаб боради. Раис ҳайҳайлаб қочади. Хуллас, бульдозерчи бир неча йилга қамалиб кетади...

1978 йили суратга олинган фильм бу. Худди бугунги кунни башорат қилгандек. Ҳозир бундай киноасарларни тушингизда кўрасиз. Ахир у — Қамара Камолова!

Бугун эса... Мухлиса Азизова, “Скорпион”! Боевик, саргузашт, аншлаг, касса-



боп фильмлар рейтингиди 1-ўрин!

Ҳақиқий ҳаёт эса оддий одамларнинг қўл телефони орқали муҳрланмоқда. Оддийгина исботи — Яқкабоғдаги воқеа! Худди “Ўзгалар бахти” дагидек сюжет, озгина фарқи: бульдозерчи ишдан бош тортган, унинг жойига ҳоким ўринбосари ўтирган ва ҳали одамлар тарк этмаган бинони бузмоқчи!

Нега бузиш керак? Нима учун ҳамма жойни вайронга айлантириш шарт? Ахир бозордаги дўконлар яқин йилларда бунёд этилган-ку, ху-ув ўтган асрда қурилмаган-ку? Тадбиркорлар, уйлар эгалари қачонгача қажшайди? Ким уларни рози қилади?

Тадбиркор алам, қаҳр-ғазаб туйғулари... сўнги сонияда чорасизликка қўл урди... Ушбу нохуш воқеага қонунчилик нуқта қўяди.

Анвар НОМОЗОВнинг  
“Фейсбук”даги шахсий  
саҳифасидан олинди.

## Меҳмон кулиб кетмасин...

Юртимизга хориждан келатган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Улар асосан АҚШ, Испания, Италия, Германия, Австралия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар вакиллари эканлиги ҳам қувонарли. Яна бир маълумот: 2025 йилга бориб эса бутун дунё эътиборини қозонишга интилаётган мамлакатимизга қадам ранжида қилувчи меҳмонлар сони 9 миллион нафарга етар экан! Бу, албатта, бизни беҳад қувонтиради. Хўш, хорижликларнинг Ўзбекистонга қилаётган саёҳатдан кўнглилари тўлқинлими? Бу жиддий саволга “йўқ”, дейишга баъзи асосларимиз ҳам борлигини айтмоғимиз жоиз. Масалан, сай-

лини ювиб олиш учун маҳсус жойлар, ҳожатхоналар йўқлиги ҳақида кўп бора бонг урилди, лекин... Пойтахтимизнинг ўзида бир кунда 650 тонна чиқинди йиғиштириб олинган экан. Ўзбекистон миқёсида бу кўрсаткич йилига 9 миллион тоннани ташкил этишини тасаввур қилайлик. Норвегияда манший чиқиндиларнинг 97 фоизи қайта ишланаётган бир пайтда бизнинг юртимизда бу кўрсаткич бор-йўғи 9 фоизи ташкил этаётгани қулғили эмасми? Биз қачон ўзгарамиз, қачон маданий даражамизни ислоҳ қиламиз? Қўлимиздаги папирос қолдиги, қоғоз парчалари, бақлашқалари маҳсус қутиларга ташлашдан кўра қўчаларга улоқтиришни ўзимизга эч кўрагимиз, ё ёлғонми? Бундай хатти-харакат-



ёҳларни биринчи навбатда сервис хизмати қизиқтириши табиий. Афсуски, бу борада айрим олғир киракашлар халқимиз имижига доғ тушираётгани таассуф билан айтилди ва бу салбий ҳолат юзасидан ўз вақтида кескин чоралар ҳам кўрилди. Ёхуд, бизнинг кузатишларимизга қараганда, Тошкент шаҳрини ҳисобга олганда, вилоятларда уларга кўрсатилаётган табиий, маданий-маиший хизматлардан (оддий мисол, хорижликлар асосан кундузи эмас, кечқурунлари дам олишни хоҳлайди. Лекин бизда кечки маҳаллари кўнгилочар жойлар, ресторан ва овқатланиш шохбчалари ёпилиши уларни ажаблантирмоқда) ранжишмоқда. Яна бир ачинарли манзара, кўча-кўйлар, хиёбонларда томоқни ҳўлаб, юз-кў-

ларни содир этаётганларга қонунчилигимизда қандай чоралар белгиланган? “Ахлатдек хор бўлгин”, дейиш билангина чекланиш энди қулғили туюлпти. Бугун Тошкентнинг хушманзара истироҳат боғлари ёки гавжум майдонлари, мухташам меҳмонхоналари атрофини бир кузатинг (суратларда акс этган манзараларга ўзингиз баҳо беринг), бахру дилнингиз очилиш ўрнига хунобингиз ошади, азизлар! Ободлик кўнгиладан бошланади, деган халқона иборани кўп эшитганмиз. Демак, гўзал юртимиз тарихию таърифини ўқиб, эшитиб, шундай ажойиб ўлқани бир кўрмоққа орузманд меҳмонлар олдида хижолат бўлмаслик учун кўлимиздан келгунча амалий ишлар қилишга шошилайлик!

Азим ПУЛАТОВ

Қарор ва ижро

## Ичимлик суви энди муаммо бўлмайди

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан саналади. Айниқса, мамлакат бўйлаб кенг қанот ёйган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободлаштириш ишларини ҳар қанча мақтасақ арзийди. Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Суви таъминоти ва оқова суви объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Айни пайтда улар бюртмачилигида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектлари қурилиши ишлари қизган олиб борилмоқда.

— Ҳадемай ҳаракатларимиз ижобий самарасини беради, — дейди мазкур корхонанинг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Мираҳмад Каратаев. — Инвестиция дастурига асосан жорий йилда Суви таъминоти ва оқова суви тизимларини ривожлантириш жамғармаси 39,6 миллиард сўм ажратган, ушбу маблағлар асосида 5 та объектада қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Жумладан, 73,4 километр ичимлик ва оқова суви тармоқлари, 3 та ичимлик ва оқова суви объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Уларнинг 3 таси (Зомин шаҳрида ичимлик суви тизимини реконструкция қилиш, ушбу шаҳар маркази оқова суви тизимини қуриш, Фориш тумани маркази ичимлик суви таъминоти тизимини реконструкция қилиш) йилдан-йилга ўтвчи объектлардир. Бу ишларни амалга ошириш натижасида 27 мингдан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик суви таъминоти тизими яхшиланиши кутилмоқда.

Сўнги пайтларда кўпчилигининг диққат-эътиборини тортган улкан лойиҳалардан яна бири Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўлиб, ушбу лойиҳа доирасида умумий қиймати 470 миллиард сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Умумий узунлиги 182

километр бўлган суви тармоғи, суви кўтариш ва тозалаш, 10 000 метр куб суви сақлаш иншоотлари қурилиши амалга оширилади, вилоятнинг Баҳмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзақул туманлари ҳамда вилоят маркази — Жиззах шаҳрида яшовчи қарийб 600 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланади. Айни пайтда ушбу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларида 180 нафардан зиёд малакали қурувчилар хизмат қилишмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 февралдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида вилоятнинг 12 та туманидаги 36 та қишлоқда ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Амалга оширилаётган бу ижобий ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари яқин муддатларда худуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаши кутилмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

“Хар бир оила – тадбиркор”

...Оиланинг кенжа фарзанди Гулжаҳон дунёга келганида отаси унинг тикувчи бўлишини ният қилганди. Отасининг нияти кичкиналигидан кулогига кўрғошдек қуйилиб қолган қиз бошқа соҳани орзу ҳам қилмади.



# Гулжаҳон жаҳонни кўзлаётир

Ҳар йили ярим миллион кишига кўпайиб бораётган мамлакатимиз аҳолисининг рўзгори бутлигига эришиш, иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш янги-янги ташаббусларни, гоёларни илгари суришни тақозо этмоқда. Кейинги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнеснинг бу тури билан шуғулланаётганларга имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банкларнинг молиявий кўмаги асосида ўз хонадонидан бизнесини бошлаб, ҳам рўзгорини, ҳам маҳалласини обод этаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шулардан бири ёш тадбиркор Гулжаҳон Қаршибоевадир.

У мактабда ўқиб юрган кезларида Анорхол аммасидан озми-кўпми тикувчиликни ўрганган. Коллежда эса тикувчилар Дилором Бойназова ҳамда Гузал Гибоевалардан сабоқ олди. Аввал болалар кийим-кечакларини тикиб, бозорга олиб чиқди. Бошлаган ишининг нафини кўрган Гулжаҳон ўз бизнесини ривожлантиришга аҳд қилди. У ўзи яшаётган маскан – “Мирзачўл” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тикувчиликни йўлга қўйиш мақсадида “Хар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида “Агробанк” туман бўлимидан 25 миллион сўм миқдорда кредит олди. Ана шу маблағ ҳисобидан 3 та замонавий тикув машинаси, бичув столи, мато, шкаф ва бошқа асбоб-анжомлар харид қилди. 4 нафар ҳамқишлоғини ишга олди. Тикувчиликка қи-

зққан 4 нафар қиз эса шогирдликка тушишди.

– Бу йил Мирзаобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежини тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқиш техник-технологии ихтисослиги бўйича тамомладим, – дейди ёш ишбилармон, O'zLiDeP аъзоси Гулжаҳон Қаршибоева. – Туманимизнинг вилоят марказидан чеккада жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, қишлоғимизда бу соҳани ривожлантириш катта самара беради. Айни дамда аҳолидан тушган яқна буюртмаларни бажаряпмиз. Оддий кундалик либослардан тортиб, оқшом либосларию болалар кийим-кечакларини ҳам тикяпмиз. Буюртмачилар сони кундан кунга кўпайиб борапти.

Дарҳақиқат, юртимизда ўз бизнеси орқали оиласи даромадини ошираётганлар кўп. Юртдошларимиздан бири чорвачилик билан шуғулланаётган бўлса, яна бири парранда боқиб, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшапти. Яна кимдир эса иссиқхона ташкил этган.

Банклар томонидан берилаётган маблағлар ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлишига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Дилором ЭСОНОВА, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби**

## 10 фоиз миқдорда оширилди

Иш ҳақи ва пенсиялар миқдори оширилди. Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Президентимиз жорий йил 12 июль куни “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Фармон билан 2019 йилнинг 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 (10%) баравар оширилди.

2019 йилнинг 1 августдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида энг кам иш ҳақи – ойига 223 000 сўм; ёшга доир пенсиялар – 436 150 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 436 150 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдорда белгиланди.

**Ш. Абдуганиев, пенсионер, Қашқадарё вилояти**

## Ўқишимни қайта тикламоқчиман...

Илтимос, олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни топшириш ва қўриб чиқиш муддати ҳақида маълумот берсангиз?

Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни топшириш ва қўриб чиқиш бир йилда икки марта амалга оширилади:

- \* ўқишини кузги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш – ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар;
- \* ўқишини баҳорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш –

ҳар йили 15 январдан 25 январга қадар давом этади.

- Қайта тиклаш бўйича қарор қабул қилиш:
- \* кузги семестрга қайта тиклаш учун – ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар;
- \* баҳорги семестрга қайта тиклаш учун – ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар амалга оширилади.

**Н. Бекова, Хоразм вилояти**

## Давлат хизматчисига куч ишлатганда

Ижтимоий тармоқларда касб вазифасини бажараётган шахсларга нисбатан айрим фуқаролар томонидан куч ишлатиш ҳолатлари акс этган видеоёзувлар тарқалмоқда. Бундай ҳолатда қонунчиликда қандай жавобгарлик кўзда тутилган?

**Ш. Эрматов, Тошкент шаҳри**

Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсларга нисбатан ноқонуний ҳаракатларни содир этиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Хусусан, бундай ноқонуний ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан:

- \* қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этиш – 15 йилдан 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан;
- \* қасддан баданга оғир шикаст етказиш – 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;
- \* қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш – 3 йилдан 5 йилгача озод-

ликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

- \* ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш – 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;
- \* ҳақорат қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## Микрокредит ҳаммага бериладими?

Ёш оилаларга микрокредитлар қандай мақсадларда берилади?

– Ёш оилаларга қуйидаги мақсадларда микрокредитлар берилади:

- \* оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун;
- \* микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун;

\* яқна тартибдаги тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжалиklarини кенгайтириш ва ривожлантириш учун.

**Ш. Сатторова, Сирдарё вилояти**

Саволларга Зангиота туман маъмурий суди раиси А. АБДУРАЗЗОҚОВ жавоб берди.

# Шарғун шаҳарчаси – бунёдкорлик майдони

Реклама ҳуқуқида

■ Маълумки, ҳозирда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон тураржойлар қуриш ҳисобида қишлоқ аҳолисини уй билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири саналади. Хусусан, мамлакатимизнинг жанубий сарҳади – Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида ўтган йили “Ўзшаҳарқурилишинвест” инжиниринг компанияси буюртмасига биноан 3 та кўп қаватли уй-жой барпо этилиб фойдаланишга топширилганди.



Сўфи Оллоёр маҳалласидаги мазкур 42 хонадондан иборат 3 та 7 қаватли уй-жой намуналар лойиҳага мувофиқ қурилиб, ушбу замонавий кўринишдаги иншоотлар бунёд этилишида тажрибали қурувчи Дилмурод Тошбоев бошчилигидаги “Саодатбону-Азиза-Термиз” хусусий корхонаси буюртмачиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

– Жорий йилда ҳам айни корхона қурувчилари тегишли буюртмага асосан Денов ва Термиз шаҳрида кўп қаватли уй-жойлар бино этишни давом эттирмоқда. – дейди компания қурилиш лойиҳалари техник назоратчиси Акбарали Шоймуродов. – Юртбошимиз воҳамизга қилган ташрифи давомида чекка ҳудудлардан бири – Шарғун шаҳарчаси

иқтисодий салоҳиятини ошириш, инфратузилмасини яхшилаш ва аҳоли фаровонлиги йўлида кўплаб бунёдкорлик ва ободончилик ишларини олиб бориш тўғрисида топшириқ берган эди. Шундан келиб чиқиб, “Ўзшаҳарқурилишинвест” инжиниринг компанияси буюртмаси билан шаҳарчада тўртта 30 хонали 5 қаватли уй-жой қуриляпти. Бу ерда моҳир қурувчи Фозил Бозорқулов раҳбарлигидаги “Термиз таъминот” хусусий корхонаси жамоаси астойдил тер тўкмоқда. Айни вақтда белгиланган лойиҳада кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари авж палласига кирди.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ, “XXI asr” муҳбири**




Хизматлар лицензияланган.

# “Sam Osiyo mebel”

хусусий корхонаси

корхонада ишлаб чиқарилаётган турли кўринишдаги мебель маҳсулотларини мижозларга таклиф қилади.



Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Шоҳмурод кўчаси 1-уй. Мурожаат учун телефон: (66) 235-00-25; (91) 528-00-25.



- Совутиш камераларини ўрнатиш ва ишга тушириш
- Совутиш камералари жиҳозлари, ускуналарини етказиб бериш ва сотиш
- Сэндвич-панелларни етказиб бериш ва сотиш
- Сэндвич-панел ва метал қурилмалардан бинолар қуриш

РЕКЛАМА



Тўлов исталган  
усулда

Махсулот сертификатланган.

Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси 97 уй

(+998 98) 130-35-53 (+998 90) 502-35-53 (+998 90) 502-47-81

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Партияларнинг  
сайловолди  
дастурлари:  
хориж ва минтақа  
амалиётидан  
айрим лавҳалар

\*\*\*

Мавҳум ғоялардан  
аниқ мақсадларга  
ўтиш фурсати  
етмадими?

# Китобга қайтиш виждонга қайтишдир

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар орасида китобга бўлган эътибор, китоб махсулотларини нашр этиш, китобхонлик савиясини ошириш борасидаги ташаббуслар энг муҳим, энг оламшумул тадбирлардандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фаолиятидаги юксак эътирофга сазовор энг муҳим тадбирлардан бири ҳам китобга бўлган эътибор ва эҳтиром масаласидир.

2019 йилда тарих саҳифаларида қайд этилишига лойиқ хайрли ишлардан бири ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиши, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган жамланма чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалга татбиқ этиш масаласи бўлса, мазкур беш ташаббус орасидаги энг зарури ёшлар маънавиятини юксалтириш ва улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ ибратли лойиҳадир.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 3 апрелида бу борада махсус йиғилиш ҳам ўтказди. Бундан олдин эса мазкур беш ташаббуснинг ҳар бири нуктасига оид чора-тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Шарқ оламида, муқаддас ислом дини руҳида яшаган халқлар орасида китоб, ёзув, қоғоз ҳамisha беҳад мўътабар неъмат ҳисобланиб келган. Шу боис одоб рисолаларида китоб бор уйда ётмаслик, ётиш зарур бўлса, китобга қараб оёқ узатмаслик, китобни худди китобнинг соҳибини, яъни муаллифини мўътабар тутгандек мўътабар туттиш таълим қилинади.

Китобга эътибор авлиё ва аллома зотлар ҳаётида бошқача шаклда намоён бўлади. Тасаввуф буюкларидан бири: "Агар карвоннинг биринчи туясига китоб ортилган бўлса, мен охириги туянинг арқонини таҳоратсиз ушламайман!" деганлар. Ҳазрат Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа – Имом Аъзам: "Мен умрим давомида қоғоз бозоридан бетаҳорат ўтмадим", деганлар. Бундан маълум бўладики, илгари қоғоз бозорлари алоҳида бўлган. Бу сўзлар бизнинг халқларимиз китоб неъматига қандай буюк ҳурмат билан қараганларига далилдир.

Китоб ўз маънасига қараб қалбни тиритирувчи, шуурни уйғотувчи, ҳақиқатни билдирувчи, инсонни тарбият қилувчи, жамиятни поқловчи бир омилдир.

Устозларимиз китобни устма-уст тахлаганда ҳам ҳурмат-эътиборига қараб тахлашни таълим қиладилар. Масалан, энг юқорида Яратганининг муқаддас Каломи – Қуръони карим, унинг остида Тафсир китоблари, унинг остида ҳадис, фикҳ ва ақрид китоблари, кейин авлиёлар таъриқлари, кейин бошқа китоблар тартиб билан қўйилса айни муддао бўлур эди.

Остонадаги оёқ артиб кириладиган гиламчаларда инглиз, рус ва бошқа тиллардаги "Хуш келибсиз" битиги ҳам ёзувга беҳурматлик аломатидир. Чунки у қайси тилда бўлса ҳам инсон эҳтиромига лойиқ ёзувдир! Бундай мўътабар сўзлар оёқ остида эмас, баландроқда, кўз тушадиган жойларда бўлгани мақбулликни унутмаслик керак.

Деярли икки йилдан бери жамиятимизда китобга эътибор жараёни бошланди. Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб: "Китобсиз келажак йўқ!" деган гўзал даъватни эълон қилди. Сўнг эса ўз фаолиятида бошқа мамлакатлар президентларига китоб тўхфа қилиш урфини жорий этди.



Тарихий мулоқотлар вақтида юртбошимиз Туркменистон Президенти Гурбангули Берди-мухамедовга Ўзбекистонда чоп этилган буюк валий шоир Махтумқули сайланмасини совға қилганида Туркменистон Президенти китоб энг яхши тўхфа эканини таъкидлаб, Президентимизга самимий миннатдорлик билдирган эди.

Президентимиз Россия Федерациясига қилган расмий ташрифи вақтида ҳам Россия Президенти Владимир Путинга улғу санъат арбоби Игорь Витальевич Савицкийнинг (1915 – 1984) фаолияти жамланган улкан китобни ҳадя қилди.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонга эса ҳазрати Абдураҳмон Жомийнинг "Муҳаббат маҳзани" китоби ҳадя қилинди. Бу китобга Мавлоно Жомийнинг ғазалиётидан намуналар, Султон Хусайн Бойқарога бағишланган "Искандар хирадномаси" асари, ҳазрати Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинган "Юсуф ва Зулайхо" достони, энг муҳими, ҳазрати Жомийнинг ҳазрат Навоийга ёзган мактубларидан гўзал намуналар жамланган.

Президентимиз бошқа мамлакатларга қилган сафарларида ҳам китоб тўхфа қилиш урфини бардавом сақламоқда. Бунда теран ва гўзал маънолар бор, деб ўйлаймиз.

Яратганининг гўзал неъматини шуки, китоб ҳадя этиш буюк аждодларимиздан, шарафли салтанатларнинг улугларидан келаётган кут-

луг аънанадир. Чунончи, ҳазрат Навоий айтгандек:

**Не мулк ичраки бир фармон йибордим,  
Анинг забтига бир девон йибордим.**

Бу гўзал байтдан маълум бўладики, китоб – яхшилик ва пок ният, дўстлик ва тинчлик, самимият ва ҳамкорлик элчисидир.

Президентимиз ўз фаолияти давомида китоб нашри борасида кетма-кет бир нечта тари-

асарларни ҳам халқимизга "бадий адабиёт" деб тақдим этдик. Мазкур бандда эса бу иллатнинг олдини олиш чораси аниқ-тиник белгилаб берилди.

Анча йиллар китобдан йироқлашган, китобхонлик маданиятидан маҳрум бўлган ёки халқаро алоқа воситаларидаги енгил-елпи, олди-қочди гапларга ўрганган инсонларни, айниқса, ёшларни қандай қилиб китобга қайтарамиз, қандай қилиб "қони қайноқ" ёшларни қайта китобхон қиламиз? Бундай аянчли ҳолат ҳам Президент қароридан ҳисобга олинган ва бунинг чораси мазкур оламшумул қарорда қўйилганча белгиланган:


**"Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида "Энг китобхон мактаб", "Энг китобхон маҳалла", "Энг китобхон оила", "Энг фаол кутубхоначи" каби қўриқ-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш"** масаласи ана шу муҳим чора-тадбирлардан биридир.

Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази иморатининг тамал тошини қўйиш вақтида ҳам, Бухородаги ҳазрати Баҳроуддин Нақшбанд зiyorатларидаги суҳбатларида ҳам Шавкат Мирзиёев буюк аждодлар меросини халқимизга етказиш масаласига алоҳида тўхталди. Шунинг учун китобга ва илмий, маданий-маърифий меросга бўлган муносабат мамлакатимизда ҳамisha ўз долзарблигини сақлаб қолади. Миллат руҳий ҳаётининг энг муҳим қўзғуси китобдир. Жаҳон ва юртимиз уламоларининг илмий-маърифий меросини халқимизга тўғри ва тўлиқ ҳолда етказиш, ҳазрати Имом Бухорий, ҳазрати Имом Термизий, ҳазрати Баҳроуддин Нақшбанд каби зотлар илмий хазинасини ўз халқимизга етказиш билан бирга жаҳон халқларига ҳам тақдим этиш ана шу ўлмас мерос эгаларининг зиммасидаги доимий вазифадир.

Президентимизнинг марҳум устозларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева шахсиятларига қўрсатган эътиборлари, атоқли давлат арбоби, адиб Шароф Рашидовни ёд этганлари, илм ва ижод аҳлига қўрсатаётган меҳрибонликлари, тафсир, ҳадис, фикҳ ва тасавуф мактабларини барпо этаётганлари, маданият, маърифат ва маънавият, хусусан, китоб нашрига бўлган амалий муносабатлари, жаҳон минбаридан туриб пок ва муқаддас динимизни жасорат ва шижоат билан ҳимоя қилишлари, ҳар турли соҳа одамларини онли ва фойдали фаолиятга ундашлари халқимиз вужудига янги руҳ бахш этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини эслаганда ҳам: "Бу улғу аллома турли диний-маърифий мавзуларда юздан зиёд китоб ёзган, улар юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб борган", деган сўзни таъкидлади.

Яна мазкур суҳбатда: "Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини жуда ҳурмат қилардим, кўп учрашиб юрардим. Шу одам жуда кўп китоб ўқиган инсон эди. Менинг



Мирзо КЕНЖАБЕК,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,  
Халқаро Бобур мукофоти соҳиби

ўзим улар билан мулоқотда кўп бўлганман. Улар "Китоб ўқимаган одамнинг руҳияти ҳам, келажаги ҳам, умиди ҳам йўқ", дердилар, дея китобга ва китобхон зотга бўлган эҳтиром ва эътирофларини баён этди.

Бу сўзлар бутун юртимиз аҳли учун, хусусан, зиёлилар учун улкан ибратдир. Ҳазрати Абу Ййсо Муҳаммад Термизий ўз таснифлари бўлмиш "Ал-жомий ас-саҳиҳ" ("Сунани Термизий") китоби ҳақида сўзлаб: "Кимнинг уйда бу китобдан бор бўлса, ўша уйда ҳазрат Пайғамбар (алайҳиссалом) гапираётгандек бўладилар", деганлар. Бу сўзлар бутун дунё аҳлига маълум ва машҳурдир. Демак, буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ҳар бир китоб ёнида унинг азиз муаллифи туришини ана шу муборак сўздан англасак бўлади.

Ҳазрати Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" китобида Бишри Ҳофий деган валий зотнинг киссалари бор. У киши Ҳақ таоло Қуръони каримда "Ер Менинг тўшагимдур", деб марҳамат этгани сабабли пойабзал киймаганлар ва доим оёқяланг юрганлар. У кишининг қаромат ва ҳурматидан ҳайвонлар кўчаларда тезак ташламас экан. Ана шу азизнинг зикрида ҳазрати Аттор айтди:

"Бишрининг тавбаи насух айлаганига (яъни, сўнгги ҳақиқий тавба қилганига) сабаб будир: у киши ерда ётган бир қоғоз парчасидаги "Бисмиллаҳир Роҳман" ёзувини қўриб қолди-да, олиб, бошига қўйди. Мушки анбар испарини суриб, сақлади. Ўша кеча тушида: "Ё Бишр! Сен Менинг исминини гўзал испар билан улугладиган. Улугланганим ва иззатланганим ҳақи учун Мен ҳам сенинг номингни икки жаҳонда хуш қилгайдирмен", деган каломларни эшитиб уйғонди. Йилгади. Истиғфор айтиб, тавбаи насух қилди".

Бу қиссадан хулоса шуки, китоб, ёзув мўътабар ва азиз нарсадир. Кимки ҳурматга лойиқ бўлган китобларга эҳтиром кўрсатса, китобни дўст тутса, халқни китобхонликка тарғиб этса, шубҳа йўқки, Яратган Зот ундай кишига улғу иззат беради!

Халқимизга китобсеварлик руҳи доим ёр бўлсин!

хий қарорларни имзолади.

Тарихимиз ва жамиятимиз ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай ҳужжатлардан бири Президентимиз имзолаган **"Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"**ги (2017 йил 13 сентябрь) қарордир.

Очигини айтايлик, китоб борасидаги бундай ҳужжатлар жамиятимиз жароҳатига қўйилган бир малҳамдир. Бундай қарорлар маънавий муолажа, ислохот ва соғлом ҳаёт сари қўйилган энг муҳим қадам саналади.

Муайян вақт халқимиз, жамиятимиз китобдан узилиб қолди, кутубхоналар мелисахонага айланди, назорат нукталаридан (постлардан) китоб олиб ўтувчи кишилар гўё жиноятчидек қўринди.

Кўп шукрки, бу нуқсон ўз вақтида ислоҳ этилиб, энди китобга қайтиш жараёни бошланди. Китобга қайтиш виждонга қайтишдир. Китобга қайтиш ҳақиқатга, инсофга, адолатга, маънавият ва маърифатга, умуман олганда, ҳаётга қайтишдир. Китобсиз ҳаёт руҳсиз ҳаётдир. Руҳсиз ҳаёт эса ўлимдир.

Мазкур тарихий қарорда қайд этилган: **"Мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатган мумкин бўлган адабиётларни тейёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини қўриш"** деган сўзлар энг муҳим, энг долзарб нукталардан биридир. Чунки биз ҳаётимизда баъзан ахлоқий бузуқликни тарғиб қиладиган манфур

**MUASSIS:**  
TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR  
HARAKATI –  
O'ZBEKISTON  
LIBERAL-  
DEMOKRATIK  
PARTIYASI

**Ozlibep**

**XASKI**

ITIMOIY-SIVOSIY GAZETA  
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЛИТОВ Адам ШОДМОНОВ  
Бахтиёр ЯҚУБОВ Тулқун ЭШНАЗАРОВ  
Алишер СУЛТОНОВ Виктор ПАК  
Мавлуда ХУЖАЕВА Насимжон АЛИМОВ  
Сирожиддин САЙИДИ Асваддин АЛМАРДОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73<sup>а</sup>-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:  
қабулхона – 71 215-63-80  
(тел./факс)  
Котибият – 71 281-40-17  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ijtimoiy-siyosiy gazetasida Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда  
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми – 4 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 758 Тираж: 6857  
Баҳоси келишилган нархда.  
Ўза яқини – 23:30  
Топширилди – 01:40

Тахририятга келган қўлезмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

9 177 2181 497009

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123 36

Навбатчи муҳаррирлар:  
Фаррух ЖАББОРОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.